

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 2 » НОЯБРЬ 2019 у.

№ 900

Toshkent sh.

**“Tashkent education” нодавлат таълим ташкилоти  
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Замонавий технологиялар ва инновацияларга асосланган нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, етакчи халқаро таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Velocius Ltd” компаниясининг (Буюк Британия) (кейинги ўринларда Компания деб аталади) мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида “Tashkent education” нодавлат таълим ташкилотини (кейинги ўринларда Таълим ташкилоти деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Таълим ташкилотига белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун “Tashkent kindergarten” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти (кейинги ўринларда Мактабгача таълим ташкилоти деб аталади), “School of Tashkent” Халқаро умумтаълим мактаби (кейинги ўринларда Мактаб деб аталади) ҳамда “Tashkent International University” халқаро университетини (кейинги ўринларда Университет деб аталади) таъсис этишга рухсат берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда қуйидаги объектлар (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) тегишли ҳудуди билан бирга узоқ муддатли мақсадли текин фойдаланиш ҳуқуқи билан:

Мактабгача таълим муассасасини жойлаштириш учун – Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Абдулла Қахҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар;

Мактабни жойлаштириш учун – Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Восит Воҳидов кўчаси, 116-уй манзилида жойлашган Тошкент “Меҳр-Шафқат” касб-хунар коллежининг бино ва иншоотлари;

Университетни жойлаштириш учун – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган Тошкент молия институтининг бино ва иншоотлари Таълим ташкилотига берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда Таълим ташкилоти билан белгиланган тартибда тегишли битим (кейинги ўринларда Битим деб аталади) тузсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Тошкент “Меҳр-Шафқат” касб-хунар коллежи ўқувчилари 2019/2020 ўқув йили якунига қадар Таълим ташкилотига берилаётган биноларда ўқишини давом эттирадилар;

Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабалари Тошкент архитектура ва қурилиш институти янги биноси қурилиши тугаллангунга қадар, мазкур бандда кўрсатилган манзил бўйича жойлашган Тошкент молия институти биносида ўқишини давом эттирадилар.

4. Қуйидагилар:

а) мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш, шунингдек, уларни моддий-техник ва ўқув-методик база билан таъминлаш Компаниянинг ўз маблағлари, шунингдек, ўқитишдан тушадиган маблағлар, шу жумладан, тўлов-контракт бўйича, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, грантлар ва Ўзбекистон Республика қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши;

б) Компания қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини олади:

ўз маблағлари ҳисобидан объектларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, уларга тегишли ҳудудни ободонлаштириш;

ўз маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

таъсис этилаётган Мактабгача таълим ташкилоти, Мактаб ва Университетда, Шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида фаолият йўналиши бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш юзасидан фаолиятини амалга ошириш;

тарбия ва таълим фаолиятини эрта ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришга қўйиладиган давлат талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш мажбуриятларини;

тузилаётган Шартнома шартларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар олиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлардан, кейинчалик уларнинг негизда давлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш орқали, белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминласин.

#### 5. Белгилаб қўйилсинки:

Таълим ташкилоти юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, алоҳида мол-мулкка, ўз мустақил балансига эга бўлади, ўз ихтиёридаги маблағлар ва мол-мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беради;

Мактабгача таълим муассасаси, Мактаб ва Университетда ўқитиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда, Таълим ташкилоти томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Университетда кадрлар тайёрлаш кундузги ва бошқа таълим шакллари, шу жумладан, давлат буюртмаси бўйича амалга оширилади;

Мактабгача таълим муассасаси, Мактаб ва Университетда таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади;

Мактабгача таълим муассасасига қабул Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ташкилот томонидан мустақил равишда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Мактабга қабул Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда, ташкилот томонидан мустақил равишда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Университетга қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ташкилот томонидан мустақил равишда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Таълим ташкилоти, Мактабгача таълим ташкилоти, Мактаб ва Университет уставларини тасдиқлашда, таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда Таълим ташкилоти, Мактабгача таълим ташкилоти, Мактаб ва Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда;

Мактабгача таълим ташкилоти, Мактаб ва Университетни танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминлашда зарур ёрдам кўрсатсинлар.

7. Таълим ташкилоти ва у томонидан тузилаётган ташкилотларга ўқув ва илмий-тадқиқот ишларига жалб этилган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг турар жой ва транспорт харажатларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича, тузиладиган шартномалар асосида тўлашга рухсат берилсин.

8. Университет 2022 йил 1 январгача :

бўшаётган маблағларни Университетни замонавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, харажат материаллари, инвентарь сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун мақсадли йўналтириш шарти билан барча турдаги солиқлар;

меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинадиган хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларнинг иш ҳақидан олинадиган ягона ижтимоий тўловдан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича жиҳозлар, шу жумладан, лаборатория, компьютер ва ташкилий техника, таълимнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь ва Университет томонидан қурилиш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ҳамда унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган бошқа моддий-техник ресурслар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган хорижлик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига консуллик ва бошқа йиғимлар ундирмасдан кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижлик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирмасдан кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш жойида вақтинча прописка қилиниши белгиланган тартибда таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов